



ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Турабова Севара Каттақуловна¹

¹ Термиз давлат университетининг “Фалсафа” кафедраси
доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5997767>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01 -fevral 2022

Ma'qullandi: 05 -fevral 2022

Chop etildi: 10 - fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

аргументатив
компетентлик, таълим
сифати, фикрлаш
маданияти,
коммуникация, рационал
нутқ, ишонч-эътиқод,
ижтимоий талаб-
эҳтиёж.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада аргументатив компетентликнинг билиш воситаси сифатида шаклланиши ва уни акс эттирувчи диалектик тафаккур тарзи билан ўзаро креатив алоқадорлиги замонавий мантиқ тамойиллари асосида ёритиб берилган. Хусуан, илм-фан тараққиёти қонуниятларини тадқиқ этишнинг муҳим воситаси, инновацион тафаккурни шакллантиришнинг асосий усулларида бири сифатидаги аргументациянинг аҳамиятига эътибор қаратилган.

Жаҳон миқёсида ёшларни эркин фикрлашларига эришиш ва турли вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилишга ўргатишнинг самарали воситаси сифатида ўз-ўзини англаш, ўз шахсиятига нисбатан ҳурмат ҳиссини таркиб топтириш, муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга мувофиқ Ўзбекистондаги таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар ҳам таълим сифатини ошириш масаласини долзарблаштирди, бунга жавобан эса мамлакатдаги “таълим тизимининг

ишлаши ва ривожланиши учун ҳуқуқий кафолатлар ва механизмлар такомиллаштирилди” [1:2]. Хусусан, бугунги кунда олий таълим амалиётида замонавий таълим технологиялари самарали қўлланила бошланиши натижасида, анъанавий таълим тизими ўз мазмунини тобора модификациялаштиришга мажбур бўлди.

Олий таълимда талабаларга тобора кўпроқ таклиф этилаётган ана шундай модификацион таълим технологияларидан бири аргументатив



компетентликни ривожлантиришнинг инновацион механизмларини жорий этиш ҳисобланади. Чунки аргументлаш назариясини ўрганиш мантиқий фикрлаш маданиятини оширишнинг энг тезкор ва самарали усулидир. Зеро, аргументатив компетентлик бўлажак мутахассиснинг шахсини шакллантиришда ва унинг касбий фаолиятидаги муваффақиятида энг муҳим омил ҳисобланади.

"Аргументлаш" дейилганда ўз позициясининг тўғрилигини асослаш орқали адресатни ўзига ишонтиришни мақсад қилиб олган субъектнинг коммуникатив фаоллиги тушунилади. Аргументлаш мулоҳаза юритиш усули бўлиб, исботлаш ва рад этишни қамраб олади, бу жараёнда тезиснинг чинлиги ва антитезиснинг хатолигига пропонентда ҳам, унинг оппонентларида ҳам ишонч ҳосил қилинади. Демак, "аргументатив компетенция – муҳокама юритувчи томонидан тезисни илгари суриш ва асослаш, аргументлаш схемалари ва усулларида тўғри ва онгли фойдаланган ҳолда реципиентни воқеа ёки вазиятнинг муайян жиҳатларига ишонтира олиш қобилиятидир" [9:297].

Аргументация мулоҳазаларни асослашнинг рационал усули бўлиш

билан бир қаторда, эътиқодга нутқий ва ҳиссий-психологик таъсир қилувчи асослаш усули ҳам бўлиб, у нафақат формал-мантиқий, балки педагогик, эпистемологик ва психологик операцияларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу фаолиятнинг фактуал ва мантиқий, риторик ва аксиологик, ахлоқий ва эстетик каби бир қатор ўзига хос турли аспектларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, аргументлаш жараёнида инсоннинг дунёқараши, унинг билим ва қадриятлари тизими, шахсий ахлоқий мезонлари, ижтимоий-сиёсий қарашлари, индивидуал мойилликлари, ҳиссиётлари, соғлом фикрлари, одатлари, коммуникатив ва мантиқий кўникмалари ва шунга ўхшаш бир қатор психологик ва прагматик омиллар ҳам иштирок этади. Умуман айтганда, рационал исбот ва эмоционал ишонч аргументлаш жараёнининг икки томонини ташкил қилади.

Аргументатив фаолият фанлараро характерга эга бўлганлиги боис унга оид хилма-хил тадқиқот ва ёндашувларнинг мавжуд бўлиши бежиз эмас. Чунки аргументация инсоннинг ижтимоий ҳаётидаги турли жабҳалар билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун назарий ва амалий мезонлар билан ўлчанади. Маълумки, бугунги кунда



турли сабабларга кўра коммуникациянинг хилма-хил шаклларига қизиқиш кучаймоқда. Буларнинг барчаси эса далиллаш назариясини ўрганишнинг нафақат амалий аҳамиятга эга эканлигини, балки назарий жиҳатдан зарурлигини ҳам англатади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда аргументатив компетентлик масаласига сезиларли даражадаги қизиқишнинг пайдо бўлишига турли ижтимоий ҳаракат вакиллари ўртасида ўзаро фикр алмашиш учун қулай шарт-шароитлар яратган ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш жараёнлари сабаб бўлмоқда, деб таъкидласак ўринли бўлади. Шу билан бирга, жамият ҳаётида янгидан-янги соҳаларнинг тобора жадал ривожланиши, қолаверса, таълим, сиёсат, юриспруденция, фалсафа, дин ва психология каби соҳаларида одамларнинг эътиқодларига таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлган профессионал мутахассисларни кўпроқ тайёрлаш эҳтиёжи ҳам ишонч-эътиқодга таъсир кўрсатиш усулларини махсус тадқиқ этиш зарурлигини долзарблаштирди. Зеро, айнан аргументация асослар келтириш йўли билан бошқа томоннинг позициясини ўзгартириш, нутқ таъсирида

тингловчиларни ишонтиришнинг турли усулларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Афсуски, исбот ва далилларга асосланган фикрлаш қобилияти ҳозирги кунда миллий менталитетимизнинг кучли томони сифатида ўзини ҳар доим ҳам намоён этаётгани йўқ. Бунга нафақат кундалик онгнинг намоён бўлиши билан дуч келгандагина, балки кўпгина сиёсатчи ва жамоат арбобларимизнинг нутқларини тинглаш, телевизион мунозараларни томоша қилиш, ижтимоий сайтлардаги муҳокамалар ва ҳоказолар чоғида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўзига ва суҳбатдошига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлган ҳолда ўз нуқтаи назарини асосли ҳимоя қила олмаслик, баҳс-мунозарани асосли тарзда ўтказиш билмаслик, шубҳасиз тафаккур маданиятининг саёзлигидан далолат беради. Афсуски, бу қусур баъзида ҳатто миллий ўзига хослик, яъни "ўзбекона одоб-ахлоқ", "шарқона вазминлик" каби сифат даражасига кўтарилиб ҳам оқланади. Аслида эса юқоридагидай аргументатив компетентликнинг ривожланмаганлигини оқлашга асос йўқ.

Маълумки, ишонч-эътиқод нафақат реал воқелик ҳақидаги мавжуд



тасаввурларни, балки қадриятлар, ғоя, меъёр ва мақсадларни ҳам ўз ичига қамраб оладиган жараёндир. Уларга таъсир этиш орқали эса одамларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш мумкин бўлади. Бу, айниқса, электрон оммавий ахборот воситалари улкан роль ўйнайдиган замонавий жамиятда ўзига жиддий диққат-эътиборни жалб қилмоқда. Шу боис жахондаги аксарият давлатларнинг олий таълим тизими ўқув дастурларига "Аргументлаш назарияси ва амалиёти" фан сифатида киритилганлиги бежиз эмас. Хусусан, аргументатив компонентлар АҚШ ва Ғарб давлатларининг университетларида ўқитиладиган кўплаб фанларнинг таркибига имплицит тарзда киритилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шунингдек, бу давлатларнинг бир қатор университетларида аргументатив нутқ коммуникация воситаси сифатида қабул қилиниб, у барча ўқув дастурларида мажбурий компонент сифатида ҳам эътироф этилади. Бунинг сабаби шундаки, бу давлатлардаги сиёсат, ҳокимият ва суд тизимидаги муваффақиятлар аргументатив нутқ кўникмаларининг нечоғлик ривожланганлиги билан бевосита чамбарчас боғлиқ равишда кечади.

Қолаверса, ҳозирги даврнинг ижтимоий талаб-эҳтиёжлари бугунги кунда аргументлаш назарияси масалаларининг тобора илмий-тадқиқот мавзусига айлана бошланишига ва олий ўқув юртларида нафақат маълум курслар доирасида, балки алоҳида фан сифатида ўрганилишига сабаб бўлмоқда. Бироқ бугунги кунда ёшларнинг ўз позициясини асослай билиши, тўғри исботлаш ва асосли қарорлар қабул қилиши каби кўникмаларни ривожлантириш заруриятининг мавжудлиги аргументлаш назарияси ва амалиёти принципларини фан даражасида ўрганишни тақозо этса-да, Ўзбекистондаги олий таълим тизимидаги ўқув дастурларида аргументлаш назарияси ва амалиётига доир масалаларга етарли даражада эътибор қаратилмаганлигини кузатамиз. Албатта, шу ўринда ҳақли равишда тан олиб айтиб ўтиш керак, аввало маълум бир фан олий таълимнинг ўқув дастурига ўқитиладиган фан сифатида киритилиши учун у етарлича тўлиқ назарий асосга эга бўлиб, амалий апробациядан ўтган бўлиши лозим. Бундан ташқари, ўша фан ўқув курсига айлантирилиши учун етарли даражада



илмий ривожлантирилган ва тегишли доирада услубий таъминотга ҳам эга бўлган бўлиши лозим. Яъни бу соҳада дарсликлар ёзилиши, ўқув ва услубий қўлланмалар, услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиши керак. Бироқ юртимизнинг олий таълим тизимида бошқа бир қатор мамлакатларнинг таълим тизимидан фарқли равишда аргументлаш назарияси билан боғлиқ бўлган вазият бутунлай бошқача. Яъни, гарчанд Шарқ халқлари тафаккури тараққиёти тарихида қадимдан кўплаб алломаларимиз далиллаш муаммосини диалектика санъати (Форобий [2: 405] , Ибн Сино [3: 144], ҳақиқатни излаш воситаси бўлган баҳс санъати (Ат-Термизий , Мотурудий, Насафий [4: 536]), Журжоний [6]), нотиқлик санъати (Кошифий, Низоми мулк) билан боғлиқ ҳолда чуқур ўрганиб, бизга бой илмий мерос қолдирган бўлишларига қарамай, ҳануз Ўзбекистонда ягона қабул қилинган змонавий далиллаш назарияси яратилмаган. Шу нуқтаи назардан университетларимизда "Далиллаш назарияси ва амалиёти" деб номланган фанни ўқитиш бугунги кунда қатъий илмий назария мавжуд эмаслиги билан ҳам мураккаблашади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, далиллаш назариясининг асосини ташкил этадиган ишонарли нутқнинг рационал-мантиқий омилларига доир муаммолар озми-кўпми маълум даражада нотиқлик курсларида ҳам ўрганилади. Аммо нотиқлик санъатида асосан нутқнинг стилистик, психологик, ахлоқий, ҳиссий ва эстетик жиҳатларигина кўриб чиқилади. Аргументатив компетентликнинг юқорида кўрсатирилган содда кўринишдаги компонентлари узоқ вақтдан бери мавжуд бўлишига қарамай, бироқ ханузгача ҳар томонлама такомиллашган ишонарли нутқнинг янги шаклларига талаб-эҳтиёжлар илгари сурилмоқда. Натижада ишонч-эътиқодни уйғотувчи нутқни таҳлил қилишнинг янада янги ва аниқ усуллари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси эса тафаккур тараққиётини муҳим аҳамиятга эга бўлган замонавий аргументлаш назариясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Аргументатив компетентлик муаммосини илмий-тадқиқот доирасида ўрганишдан мақсад кишиларнинг нутққа онгли муносабатда бўлиш, бошқаларнинг нутқини тушуниш ва ўзининг нутқини асосли қуриш кўникмасини тарбиялаш, баҳс-мунозарани малакали олиб бориш, мантиқий ва психологик тузоқларни



фарқлай олиш ва билиш кўникмаларини шакллантиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун талабаларга замонавий аргументация асослари, унинг концептуал аппарати, демонстратив ва нодемонстратив фикрлаш хусусиятлари, уларни турли аргументатив нутқларда қўллаш тўғрисидаги билимларни бериш керак. Талабаларнинг аргументациянинг асосий тушунчалари билан танишиши, аргументатив нутқнинг турли аспектларини ёритиб беришга ёрдам беради. Бундай ишлар натижасида талаба онгли равишда рационал нутқ нормаларига таянади ва муҳокама жараёнида рақибларидан ҳам шу нормаларга риоя этишини талаб қилиш кўникмасини шакллантиради. Рационал нутқ меъёрларини ва мунозараларни

олиб бориш қоидаларини ўзлаштириш талабаларга фикрларни аниқ ифода этиш, илгари сурилган тезисларни асослаш, ўз позициялари ва манфаатларини исбот ва далиллар билан ҳимоя қилиш қобилиятини ўзлаштиришга ёрдам беради. Натижада уларнинг мустақил танқидий фикрлаш қобилияти ривожланади. Зеро, “талабаларнинг далиллашга доир бўлган билимларидан келажакдаги касбий фаолиятида, тадбиркорлик музокаралари ва суҳбатларида фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш муҳимдир” [7: 1094]. Чунки, мантикий фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсон бунёдкор ғояларни бузғунчи ғоялардан фарқлай олади. Ҳеч қандай бузғунчи ғоя, ҳатто мафкура ҳам мантиқ кучига дош бера олмайди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» 23.09.2020 й. N ЎРҚ-637.
2. Аль-Фараби. Диалектика. Историко-философские трактаты. –Алма-Ата: “Наука”, 1985. – С. 405.
3. Файзихўжаева Д. Абу Наср ал-Фаробий ва Абу Али Ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. –Тошкент: “Нишон-Ношир”, 2013. –144 б.
4. Абу Муин Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин (Дин асослари бўйича далиллар баёни). 4 жилдли. –Тошкент: Мовароуннахр, 2018. Ж. I. – 440 б.; Ж. II. – 576 б.; Ж. III. – 536 б.; Ж. IV. – 536 б.
5. «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва бахслар ҳақида рисола»)
6. Журжоний. Шарҳе мавофиқ фи илм ал-калом. – Стамбул: “Дор улматбатул Омера” босмахонаси. 1267 ҳ. й.
7. Kattakulovna, T. S. (2020). The creative interrelation of scientific debate with social life, the political situation and the dialectical way of thinking that reflects them. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), . Pag: 1094.
8. Kattakulovna, T. S. (2020). The Importance Of The Discussion Method In The Development Of Argumentative Competence In Students. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), Pages: 442-446
9. Turabova, S. K. (2021). The relationship between the development of innovative thinking and argumentative competence. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 297-300.